



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 21 декабрь, № 268 (9163)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан 18 — 20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Токиода “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этди. Япония Бош вазири Санаэ Такаичи раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тоjikистон Республикаси Президенти

Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди. Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Япония ўртасида “яшил” иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш, ўзаро бoғлиқлик ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсон ресурсларини ривожлантириш каби устувор соҳаларда ўзаро манфа-

атли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бундан илҳомланган йил муқаддам айнан Кунчиқар юрт илк бор “Марказий Осиё +” мулоқотининг ташаббускори бўлганини қайд этди. Буюк Ипак йўли давридан ривожлана бошлаган яқин савдо ва маданий алоқалар, ўхшаш анъана ва урф-одатлар, маънавий, маданий ва

ойлавий қадриятлар Марказий Осиё ва Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос ҳисобланади. — Биз Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейинги давр мобайнида Япония ишончли ҳамкоримиз бўлиб келаётганини, минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, инфратузилма, саноат ва энергетика

базасини модернизация қилиш, фан ва таълим ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганини юксак қадрлаймиз. Шу сабабли Марказий Осиё давлатлари Япониянинг минтақа ҳаётида янада кенг ва фаол иштирок этишидан манфаатдор, — деди Шавкат Мирзиёев. Минтақа табиий ресурсларга бойлиги, жаҳондаги транспорт, савдо ва энер-

гетика йўналишлари чорраҳасида жойлашгани, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсаётгани ҳамда бу ерда кечаётган яқинлашиб ва интеграциянинг фаол жараёнилари Япония билан кооперация учун қулай шароит яратмоқда. ➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ + ЯПОНИЯ» БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Бош вазир хоним олиялари!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Япония Бош вазири Такаичи хоним олияларига “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммити юксак даражада ташкил этилгани, гўзал ва жўшқин Токиода кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун билдирилаётган чўқур миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Таъкидлашни истардимки, бундан 20 йил муқаддам айнан Кунчиқар юрт илк бор “Марказий Осиё +” мулоқотининг ташаббускори бўлган эди. Ушбу қарор стратегик жиҳатдан нақадар муҳим ва тўғри бўлганини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ушбу саммитимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга ва ҳамкорлигимизда янги саҳифа очмоқда.

Бизнинг Япония билан яқин савдо ва маданий алоқаларимиз Буюк Ипак йўли давридан ривожлана бошлаганини қайд этишни истар эдим. Япониянинг қадимий пойтахти Нара шаҳри, Сиз туғилган маскан, хурматли Бош вазир хоним, ушбу йўлдаги энг муҳим марказлардан бири бўлган.

Бизни ўхшаш анъана ва урф-одатлар, маънавий, маданий ва оилавий қадриятлар ҳам яқинлаштириб туради.

Буларнинг барчаси Марказий Осиё ва Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асос ҳисобланади.

Хурматли Такаичи хоним!

Биз Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейинги давр мобайнида Япония ишончли ҳамкоримиз бўлиб келаётганини, минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, инфратузилма, саноат ва энергетика базасини модернизация қилиш, фан ва таълим ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшаётганини юксак қадрлаймиз.

Шу сабабли Марказий Осиё давлатлари Япониянинг минтақа ҳаётида янада кенг ва фаол иштирок этишидан манфаатдор. Ва бу борада бизда тақдим этадиган қўллаб-қувватлаш бор.

Минтақамиз табиий ресурсларга бой, жаҳондаги транспорт, савдо ва энергетика йўналишлари чорраҳасида жойлашган. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг ўсиши 5-6 фоизни ташкил этмоқда ва бу суръат яқин йилларда ҳам сақланиб қолади.

Бугунги кунда минтақада кечаётган яқинлашиб ва интеграциянинг фаол жараёнилари Япония билан кооперация учун қулай шароит яратмоқда.

Хурматли Бош вазир хоним, Марказий Осиё билан стратегик муносабатларни ривожланти-

риш борасидаги қатъий интилишингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Ишончм комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан янги марраларга эришамиз. Донишманд япон халқи айтганидек, “агар кучлар бирлаштирилса, тоғларни ҳам ўз ўрнидан силжитиш мумкин”.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Бугун мамлакатларимиз ўртасида шерикликни ривожлантириш бўйича илгари сурилган муҳим ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Ҳамкорлигимизни стратегик муҳим йўналишларда мустаҳкамлашга қаратилган Токио декларацияси қабул қилинганини олқишлайман.

Ўз навбатида, “Марказий Осиё + Япония” форматига ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қарашларимизни баён этишни истар эдим.

Биринчидан, саммитларни давлат раҳбарлари даражасида ҳар икки йилда бир марта ўтказишни таклиф этамиз. Бу ҳамкорлигимизга қўшимча кучли туртки бағишлашга хизмат қилади. Навбатдаги бундай учрашувларимиздан бирини Ўзбекистонда қабул қилишга тайёرمىз.

Япониянинг адлия ва ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлик бўйича янги доимий механизмини яратиш ва келгуси йили Токиода адлия вазирларининг биринчи учрашувини ташкил этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Иккинчидан, “Марказий Осиё — Япония 2040” ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Ушбу ҳужжатга минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланишига қўмаклашиш ва уларни глобал иқтисодий жараёнларга чўқур интеграция қилиш бўйича аниқ дастур ва лойиҳаларни киритиш мумкин бўлади.

Янги ғоя ва таклифларни ишлаб чиқиш, ҳамкорликнинг кенг қўламли кун тартибини шакллантириш учун мамлакатларимизнинг етакчи таҳлил тузилмалари иштирокида Экспертлар форумини таъсис этиш муҳимдир. Музокара-лар учун платформа тақдим этиш ва форумнинг илк мажлисини келгуси йили Тошкентда чақирришга тайёرمىз.

Учинчидан, Япония молия институтларининг Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кенгайтиришини олқишлаймиз.

Ишонаман: Марказий Осиёнинг бой табиий ва кадрлар ресурсларини Япониянинг саноат ва технология салоҳияти билан бирлаштириб, бир-биримизни тўлдириш ва кучайтириш бўйича самарага эриша оламиз.

Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг

инфратузилмалари ва саноатини ривожлантириш инвестиция жамғармасини таъсис этишни таклиф қиламиз. Унинг базасида минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун Япония инвестициялари, технологиялари, муҳандислик стандартлари ва экспортизацияси жалб этишга қаратилган “Сифатли инфратузилма” бўйича дастурни ишга тушириш мумкин.

Шунингдек, Япония технопаркларининг Марказий Осиё тармоғи — саноат кооперацияси, маҳаллийлаштириш ва технологиялар трансферти минтақавий платформасини яратишни таклиф этамиз. Технопарклар тармоғини минтақадаги ҳар бир мамлакатнинг ҳомаёи ва саноат соҳасидаги имкониятларидан келиб чиқиб тақсимлаш мумкин.

Тўртинчидан, бугун рақамли трансформация иқтисодий ўсиш ва барқарорликнинг ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда.

Япония компаниялари рақамли иқтисодиёт сегментлари — саноатни автоматлаштириш, робототехника, бошқарувнинг интеллектуал тизимлари, янги авлод булутли ва телекоммуникация платформалари соҳаларида жаҳонда етакчидир.

“Марказий Осиё — Япония” рақамли хаби — рақамли ечимлар, сунъий интеллект, “буюмлар интернет”, киберхавфсизлик ва инновацион иқтисодиёт соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик платформасини яратишни таклиф этамиз.

Бешинчидан, Япония замонавий ва ишончли транспорт инфратузилмасини яратишда катта тажрибага эга бўлиб, минтақада транзит ва логистика тармоғини ривожлантиришда муҳим шериклардан бирига айланиши мумкин.

Биз тезорар поездлар ва автомобиль йўллари бироқ этиш, транспорт йўлакларини рақамлаштириш, аэропортлар ва логистика марказларини қуриш лойиҳаларига Япония инвестициялари, технологиялари ва экспертларининг кўмагини жалб этишдан манфаатдоримиз.

Бу борада Тошкент янги халқаро аэропорти қуришда “Sojitz LLC” компанияси билан муваффақиятли ҳамкорлигимизни таъкидлашни истар эдим.

Олтинчидан, Япония зарарли газларни атмосферага чиқаришни тўлиқ бартараф этишга эришиш борасидаги вазифаларни амалга оширишда жаҳондаги етакчи давлатдир.

Биз Ўзбекистонда захарли газларни чиқаришни 2035 йилга бориб 50 фоизга қисқартириш, 2030 йилгача умумий генерацияда “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Энергетик ўтиш ва “яшил” энергетикани ривожлантириш бўйича самарали иссиқлик станциялари, қуёш ва шомол энергия қурилмаларини барпо этиш, когенерация, йўқотишларни қисқартириш, зарарли газларни ушлаб қолтиш ва фойдаланиш технологияларини жорий этиш каби аниқ лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Тошкентда Қайта тикланадиган энергетика соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича минтақавий марказни ташкил этиш таклифини илгари сураимиз.

Еттинчидан, мамлакатларимиз томонидан қабул қилинган Марказий Осиё учун “Яшил кун тартиби” минтақавий дастурини амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришни муҳим деб ҳисоблаймиз. Ушбу дастур Япониянинг “Яшил трансформация” ташаббуси билан уйғундир.

Минтақада ҳаво сифатини яхшилаш бўйича атмосферага чиқарилаётган газларни мониторинг қилиш, фильтрлаш ва камайитириш, аҳоли учун янада барқарор ва хавфсиз экологик муҳитни яратиш учун илғор ечимларни қўллашга қаратилган қўшма дастурни ишга тушириш, Иқлим ўзгариши билан курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, Оролбўйи экологик муаммоларини ҳал қилишга қўмаклашиш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳаларни қамраб оладиган қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш, Мулоқот доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг янги шаклдаги учрашувларини ташкил этишни таклиф этамиз.

Саккизинчидан, Япониянинг сейсмик хавфсизлик соҳасидаги улкан тажрибасини ҳисобга олиб, Сейсмик барқарорликни баҳолаш ва ошириш бўйича қўшма дастурни ишга тушириш тарафдоримиз.

Мақсад — япон экспертларини жалб этган ҳолда Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларини комплекс сейсмик текширувдан ўтказиш, сейсмик барқарорликни ошириш юзасидан “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, Япония модели асосида олдиндан оғохлантириш тизимларини ишга туширишдир.

Тошкент шаҳрида Япония стандартлари ва протоколлари бўйича муҳандислар, архитекторлар, қўтқарув хизматларини тайёрлаш учун Минтақавий малака ошириш марказини очишни таклиф этамиз.

Тўққизинчидан, Япониянинг таълим ва ма-лакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кўмагини юксак баҳолаймиз. Таълим, илмий ва академик алмашувларни бундан буюн ҳам кенгайтира-миз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистонда келгуси йили “Марказий Осиё + Япония” форматига таълим вазирларининг биринчи йиғилишини, шунингдек, минтақадаги етакчи университетлар ректорларининг илк форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Ёшлар ҳамжамиятлари ўртасида узоқ муддатли алоқаларни шакллантириш, уларнинг ижодий, технологик ва профессионал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган Ёшларни ривожлантириш минтақавий тармок дастурларини қабул қилиш тарафдоримиз.

Маданият, санъат ва туризм фестивалларини доимий ўтказиб бориш халқларимиз ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Осакадаги “ЭКСПО” Бутунжаҳон кўрғазмасида Ўзбекистон павильони Олтин мукофотга сазовор бўлганини мамнуният билан қайд этишни истар эдим. Биз бундай тадбирларда бундан буюн ҳам фаол иштирок эта-миз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Бизнинг учрашувимиз жаҳон сиёсатида жиддий ўзгаришлар кечаётган, геосиёсий зиддиятлар кучаяётган ва йирик давлатлар ўртасида ўзаро ишонч заифлашаётган даврда ўтмоқда.

Бундай шароитда тинчликни сақлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Афғонистонда ўзаро ҳамкорлигимизнинг яна бир муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Уни тинч, барқарор ва бунёдкор ривожланиш сари бораётган мамлакат сифатида кўриш борасидаги бизнинг интилишларимиз яқдидир.

Афғон халқини қўллаб-қувватлаш бўйича кўп йиллардан буюн етакчи донор ва шерик мамлакатлар қаторида бўлиб келаётган Япониянинг изчил позициясини юксак баҳолай-миз.

Ишончм комилки, бизнинг биргаликдаги ҳаракатларимиз ва умумий ҳиссамиз ушбу мамлакат аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмаларни ривожланиш, шунингдек, Афғонистонни минтақавий иқтисодий лойиҳаларга фаол жалб этишга хизмат қилади.

Хурматли дўстлар! Сўзининг якунида кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарорларни қўллаб-қувватлашимиз билдираман.

Аминманки, бугун илгари сурилган ташаббусларнинг рўёбга чиқарилиши мулоқотимиз ривожига амалий ҳисса қўшади, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлидаги ҳамкорликнинг салмоқли салоҳиятидан унумли фойдаланишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

— Ишончим комил, биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз билан янги марраларга эришамиз. До-нишманд япон халки айтганидек, агар кучлар бирлаштирилса, тоғларни ҳам ўз ўрнидан силжитиш мумкин, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Президентимиз саммит кун тарти-бига ўтар экан, “Марказий Осиё + Япония” форматда ҳамкорлиқни ри-вожлантириш юзасидан ўз нуктаи на-зарини тақдим этди.

Аввало, саммитларни давлат раҳбарлари даражасида ҳар икки йил-да бир марта ўтказиш тақлиф қилин-ди. Бу ҳамкорликка қўшимча кучли суръат бағишлагша хизмат қилади. Навбатдаги шундай учрашувлардан бирини Ўзбекистонда қабул қилишга тайёрлик билдирилди.

Япониянинг адлия ва ҳуқуқ соҳаси-да ҳамкорлик бўйича янги доимий ме-ханизмини яратиш ва келгуси йили Токиода адлия вазирларининг бирин-чи учрашувини ташкил этиш бораси-даги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон “Марказий Осиё — Япония 2040” ҳам-корлик стратегиясини ишлаб чиқиб, ҳужжатга минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланишига кўмак-лашиш ва уларни глобал иқтисодий жараёнларга чуқур интеграция қилиш бўйича аниқ дастур ва лойиҳаларни киритиш тарафдори эканлигини қайд этди.

Янги ғоя ва тақлифларни ишлаб чи-қиш, ҳамкорлиқнинг кенг кўламли кун тартибини шакллантириш учун мам-лакатларимизнинг етакчи таҳлил ту-зилмалари иштирокида Экспертлар форумини таъсис этиш муҳимлиги таъкидланди. Форумнинг илк мажли-сини келгуси йили Тошкентда ўтқа-зиш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси Япония молия институтларининг Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кенгайтиришини олқиллади.

— Ишонаман, Марказий Осиёнинг бой табиёти ва кадрлар ресурсларини Япониянинг саноат ва технология са-лоҳияти билан бирлаштириб, бир-би-римизни тўлдириш ва кучайтириш бўйича самарага эриша оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг инфратузилмаси ва саноа-тини ривожлантириш инвестиция жамғармасини таъсис этиш тақлиф қилинди. Унинг негизда “Сифатли инфратузилма” бўйича дастур ҳамда Япония телепаркларининг Марказий Осиё тармоғи — саноат кооперация-си, маҳаллийлаштириш ва техноло-гиялар трансфери минтақавий плат-формасини ишга тушириш мумкин.

Бугун рақамли трансформация иқтисодий ўсиш ва барқарорлиқнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бо-раётганидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё — Япония” рақамли ҳам — рақамли ечимлар, сунъий интеллект, “бюмлар интерне-ти”, киберхавфсизлик ва инновация-ни иқтисодиёт соҳаларида кўп томонла-ма ҳамкорлик платформасини яратиш муҳимлигини қайд этди.

Тезорар поездлар ва автомобиль йўллари барпо этиш, транспорт йўлакларини рақамлаштириш, аэро-портлар ва логистика марказларини қуриш лойиҳаларига Япония инвести-циялари, технологиялари ва эксперт-ларни кўмагини жалб этишдан манфа-атдорлик билдирилди.

“Яшил” энергетика соҳасидаги ҳам-корлик доирасида когенерация техно-логияларини жорий этиш, йўқотиш-ларни қисқартириш, зарарли газлар-ни ушлаб қолиш бўйича биргаликда

лойиҳаларни амалга ошириш муҳим-лиги таъкидланди. Тошкентда Қайта тикланадиган энергетика соҳасида му-тахассисларни тайёрлаш бўйича мин-тақавий марказни ташкил этиш тақ-лифи илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари экология со-ҳасида Марказий Осиёда хаво сифа-тини яхшилаш бўйича қўшма дастур-ни ишга тушириш, Иқлим ўзгаришига қарши курашиш юзасидан қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ҳамда Мулоқот доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг янги шаклдаги учра-шувларини ташкил этиш муҳимлиги-ни қайд этди.

Япониянинг сейсмик хавфсизлик соҳасидаги улкан тажрибасини ҳисоб-га олиб, минтақада сейсмик барқа-рорлиқни баҳолаш ва ошириш бўйи-ча қўшма дастурни ишга тушириш, Тошкент шаҳрида Япония стандарт-лари ва протоколлари бўйича муҳан-дислар, архитекторлар, қўтқарув хиз-матларини тайёрлаш учун Минтақавий малака ошириш марказини очиш тақ-лиф қилинди.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳам-корлиқни янада кенгайтириш мақса-дида Ўзбекистонда келгуси йили “Марказий Осиё + Япония” формати-да таълим вазирларининг биринчи й-ғилишини, шунингдек, минтақадаги етакчи университетлар ректорлари-нинг илк форумини ўтказиш, ёшлар ҳамжамиятлари ўртасида узоқ муддат-ли алоқаларни шакллантиришга қара-тилган Ёшларни ривожлантириш мин-тақавий тармоқ дастурини қабул қилиш бўйича режалар тақдим этилди.

Ўзбекистон етакчиси халқаро сиё-сат ва минтақавий хавфсизлик маса-лаларига тўхталар экан, минтақа дав-латлари ва Япониянинг Афғонистон-ни тинч, барқарор ва бунёдкор ри-вожланиш сари бораётган мамлакат сифатида қўриш борасидаги интилиш-лари яқдиллигини таъкидлади.

Афғон халқини қўллаб-қувватлаш бўйича кўп йиллардан буён етакчи до-нор ва шерик мамлакатлар қаторида бўлиб келаётган Япониянинг изчил по-зицияси юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида кун тартибидagi барча маса-лалар бўйича қарорларни қўллаб-қув-ватлашини билдирди.

Саммитда бошқа етакчилар ҳам нутқ сўзладилар. Тадбир якунида То-кио декларацияси қабул қилинди.

“Марказий Осиё + Япония” муло-қоти саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кўп томонлама бизнес фо-румида иштирок этди.

Тадбирда Япония Бош вазири Са-наэ Такаичи, Козогистон Республика-си Президенти Қосим-Жомарт Тоқа-ев, Қирғиз Республикаси Президенти Са-дир Жапаров, Тожикистон Респуб-ликаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Марказий Осиё ва Япония ўртаси-даги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш, минтақага Япония инвестициялари ва илғор техноло-гияларини жалб қилиш, саноат коопе-рациясини кенгайтириш, ишбилармон доиралар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни мустақамлашнинг дол-зарб масалалари кўриб чиқилди.

Қўшма иқтисодий лойиҳалар тақ-димот қилинди. “Sumitomo”, “Chubu Electric Power”, “Shikoku Electric Power” компаниялари томонидан “JBIC” ва “NEXI” кўмағида Ўзбекистонда икита кўёш электр станциясини қуриш, “Toyota Tsusho” иштирокида АТ ин-фратузилмасини модернизация қилиш,

“Sojitz” компанияси томонидан кўп тармоқли тиббиёт марказини ташкил этиш, шунингдек, “JOGMEC” иштиро-кида янги ўта муҳим минерал конла-рини ўзлаштириш каби Ўзбекистон — Япония инвестиция ташаббуслари шу-лар жумласидан.

Етакчилар ҳузурида тегишли лойи-ҳалар бўйича ҳужжатлар алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япо-нияга расмий ташрифи доирасида Нара шаҳри мэри Гэн Накагавани қабул қилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлиқни мустақамлашга алоҳида уруғ берган ҳолда ҳудудлараро алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳока-ма қилинди.

Ўтмиши узоқ алоқаларга эга бўлган Самарқанд ва Нара шаҳарлари ўрта-сида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани юқори баҳоланди. Са-марқанд кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг маркази, Япониянинг қадимги пойтахти Нара эса унинг шарқий дарвозаси бўлгани таъкидлан-ди. Бу шаҳарлар цивилизациялар ўртасидаги маданий қўприқлар вази-фасини бажариб, халқаро савдо ва билим алмашинувини ривожланти-ришда муҳим роль ўйнаган.

2027 йилда Нара миллий музейида намоиш этиладиган Ўзбекистон ма-данияти ва тарихига бағишланган ар-хеологик кўргазмага пухта тайёргар-лик кўриш муҳимлиги таъкидланди. Ўшбу лойиҳа Ўзбекистон — Япония дипломатик муносабатлари ўрнати-лганининг 35 йиллиги шарафига ўтқа-зиладиган йирик маданий тадбир бўлади.

Гэн Накагава икки мамлакат ва халқлар ўртасидаги абадий дўстлик ҳамда маданий ва тарихий ақинлик рамзи сифатида Нара шаҳридаги янги боғлардан бирига Самарқанд номини беришга қарор қилинганини эълон қилди.

Суҳбат давомида икки биродар ша-ҳар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқаларини фаол ривож-лантириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги, ту-ризм, тўқимачилик, транспорт, логис-тика ва шаҳарсозлик каби соҳаларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио-га расмий ташрифи доирасида Япо-ния таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазири Мацумото Ёхэй, Япония фанни илгари суриш жамияти президенти Сугино Цўёси ҳамда Япо-ниянинг Цукуба, Нагоя, Тоттори уни-верситетлари, Токио қишлоқ ҳўжали-ги ва технологиялар университети, Нагоя иқтисодиёт университети каби етакчи олий таълим муассасаларининг раҳбарлари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Япония “иқти-содий мўъжизаси”нинг асосини таш-кил этувчи таълим, фан ва инсон ка-питалини ривожлантиришга инвести-циялар Ўзбекистон — Япония ҳамкор-лигининг стратегик йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Япония узоқ йиллар давомида фанга сарф-ланадиган харажатлар ва илмий па-тентлар сони бўйича етакчилар сафи-да туришини қайд этди. Мамлакат қўллаб атоқли олимларни, хусусан, физика, кимё ва тиббиёт соҳаларида Нобель муқофоти совриндорларини еттиштириб чиқарди.

Япония мактаб таълими модели та-биий фанлар ва математика бўйича кучли таянч базаси мавжудлиги, дарс ўтишининг юқори сифати, меҳнатсевар-лик, жамоа бўлиб ишлаш ва интизом маданияти билан ажралиб туради. Ну-

фузли япон дипломлари, айниқса, му-ҳандислик, робототехника, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида бутун дунёда юксак кадрланади. Японияда таълим ва фан билан саноат ҳамда бизнес ўртасида яқин ва мустақам алоқалар ўрнатилгани алоҳида эъти-борга лойик.

Бугунги кунда 2,8 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талабалар Япониянинг етакчи таълим муассасаларида таҳсил олмақда. Биргина “JDS” стипендия дастури бўйича 440 дан зиёд давлат хизматчилари Японияда ўқитилди.

Ректорлар форуми ўзаро алоқалар учун самарали майдонга айланди. Ок-тябрь ойида Самарқандда икки мам-лакатнинг қарийб 50 та университети ректорлари иштирок этган бешинчи форум муваффақиятли ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда таълим ва фанни ривожлантиришга мамлакатни жадал модернизация қилиш, унинг рақобатбардошлиги ҳамда глобал интеллектуал ва техно-логик маконга интеграциялашувини таъминлашнинг асоси сифатида қара-лишини таъкидлади. Сўнгги 7-8 йил ичида бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Бироқ ҳал қилини-ши керак бўлган вазифалар ҳам кўп.

Илм-фанни тизимли трансформация қилиш доирасида янги авлод тадқиқотчиларини шакллантириш, соҳа фаолиятини кластер модели асосида ташкил этиш, муҳим илмий йўналиш-лар бўйича ресурсларни жамлаш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Бугунги учрашувда қатнашган Япо-ния университетлари мамлакатимиз учун энг долзарб бўлган сунъий ин-теллект ва рақамли технологиялар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, “яшил” энер-гия ва барқарор ривожланиш, сейс-мология ва “ақли шаҳар” технология-лари каби соҳалар бўйича мустақам илмий-тадқиқот инфратузилмасига ва юқори илмий ҳамда педагогик сало-ҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ўшбу йўналишлар бўйича Ўзбекис-тон университетлари билан яқин ҳам-корлик бошланган. Қўни кеча қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид қизгин музокаралар бўлиб ўтди ва янги келишувларга эришилди.

Ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун таълим ва фан бўйича қўшма ко-миссия, инновациялар борасида кон-сорциум ташкил этиш, флагман ло-йиҳалар, шу жумладан, ўқув жараё-нига СИНИ жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда муҳандислик мутахассисликлари бўйича ўқув дастурини ишга тушириш тақлиф қилинди.

Тадбир доирасида олий таълим со-ҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуку-матлараро битим, Цукуба универси-тети билан биргаликда Ўзбекистонда олий таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги меморандум ҳамда илмий ҳамкорлик ва кадрлар тайёр-лаш соҳаларида бир қатор бошқа ҳуж-жатлар имзоланди.

Эришилган келишувларни тизимли ва ўз вақтида амалга оширишни таъ-минлаш учун “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Шундан сўнг “Кантэй” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Япония Бош вазири Санаэ Такаичи давлатимиз раҳбарини самимий ку-тиб олди ва шоҳсўпага тақлиф қилди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳия-лари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар ва расмий делегациялар аъзоларини қут-ладилар.

Токиода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япо-

ния Бош вазири Санаэ Такаичининг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлатлараро ҳамкорлиқнинг деяр-ли барча соҳаларини қамраб олган Ўзбекистон — Япония стратегик ше-риклик муносабатларини янада кен-гайтириш масалалари атрофлича му-ҳокама қилинди.

Япония Бош вазири давлатимиз раҳбарини самимий қутлар экан, ушбу ташрифни ҳар доимгидек юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат тамойиллари-га асосланган Ўзбекистон — Япония муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа деб атади.

Дипломатик муносабатлар ўрнати-ланидан буён ўтган 33 йил давомида Япония Ўзбекистоннинг яқин дўсти, асосий технологик ва инвестициявий шериги бўлиб, республикада замона-вий саноат ва энергетика инфрату-зилмасини яратиш ҳамда инсон ре-сурсларини ривожлантиришга салмоқ-ли ҳисса қўшиб келмоқда.

Товар айирбошлаш, инвестициялар ҳажми ва Япония сармосия иштиро-кидаги қўшма корхоналар сонининг барқарор ўсаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Энергетика, геология, туризм, ин-фратузилмани ривожлантириш, АТ ва бошқа устувор соҳаларда муҳим лойиҳаларни амалга ошириб келаётган “Sojitz”, “Toyota Tsusho”, “Sumitomo”, “Itochu”, “Kyoto Plaza”, “Balcom”, “Shikoku Electric” каби етакчи япон компаниялари Ўзбекистонда муваф-фақиятли фаолият юритмоқда.

Япония халқаро ҳамкорлик агентли-ги (JICA) ва Япония халқаро ҳамкор-лик банки (JBIC) билан қўшма лойиҳа-лар портфели энергетика, нефть-кимё, транспорт, таълим ва қишлоқ ҳўжали-ги каби соҳаларни қамраб олган.

Музокараларда парламентлардаги “дўстлик ғуруҳлари”, иқтисодий ҳам-корлик кўмиталари, устувор йўналиш-лар бўйича тармоқ учрашувлари ва бошқа ҳамкорлик шаклларини фаол-лаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Япония билан стратегик шериклиқни ривожланти-ришининг бир қатор асосий йўналиш-ларини қайд этди. “Яшил” энергетика ва саноатда углерод чиқаришни ка-майитириш, ахборот технологиялари, ўта муҳим минераллар, машинасоз-лик соҳасидаги ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш шулар жумла-сидан.

Мазкур саммитга тайёргарлик до-ирасида қиймати 12 миллиард дол-лардан ортиқ бўлган кооперация ло-йиҳаларининг янги портфели шакл-лантирилгани мамнуният билан қайд этилди. Ўшбу лойиҳаларни илгари су-риш учун қўшма инвестиция платфо-расини яратиш тақлиф қилинди.

Бундан ташқари, Самарқанд вило-ятида Япония модели ва стандартла-рига асосланган махсус иқтисодий зо-нани барпо этиш режалари эълон қилинди.

Япониялик ҳамкорлар билан бир-галикда амалга оширилаётган “Бир қишлоқ — битта махсулот” дастури-нинг кўламини кенгайтириш тақлифи қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш имкониятлари ва йўлла-ри, ҳудудлараро алоқаларни кен-гайтириш масалалари муҳокама қилинди. Келгуси йили Самарқандда икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказиш тақлиф қилинди.

Гуманитар алмашинувларни фаол-лаштиришга алоҳида эътибор қара-тилмоқда. Таълим ва кадрлар тайёр-лаш соҳаси аънавий равишда ушбу кўп қиррали муносабатларнинг муҳим қисми саналади.

Ёшларга келгусида тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашга кенг имкониятлар тақдим этаётган Ўзбекистон — Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўзбекистондаги 7 та олий таълим муассасасида япон тили ўқитилмоқ-да. Токио чет тиллар университетида мана 10 йилдирки, ўзбек тили ўрга-нилмоқда.

Ректорлар форуми кадрлар тайёр-лаш соҳасида тажриба алмашиш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқ-да. Япониянинг етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан уч-рашув бўлиб ўтди. Ҳамкорлик дастур-лари, илмий ва инновацион алмаши-нувларни кенгайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Цукуба университети билан бирга-ликда Тошкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Япония университети-ни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Маданий ва сайёхлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида маданият кун-лари, кўргазмалар, ёшлар форумла-ри, кинофестивалларни мунтазам ўтказиб бориш тақлиф қилинди. Таш-риф арафасида Японияда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Дипломатик муносабатлар ўрнати-ланининг 35 йиллиги муносабати бил-лан 2027 йилда икки мамлакатда Ма-даният йиллари ўзаро ўтказилади.

Музокараларда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр ал-машилди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти ва Япония Бош вазири Келгуси авлод-лар учун кенгайтирилган стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот-ни имзоладилар. Ўшбу ҳужжат, шуб-ҳасиз, муносабатларни янги босқичга кўтариши ва кўп қиррали ҳамкорли-қни кенгайтириш учун кенг имконият-лар очиш таъкидланди.

Ташриф доирасида таълим, соғлиқ-ни сақлаш, экология, сув ресурслар-и, транспорт, шаҳарсозлик, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, табиий офатлар хавфини камайитириш соҳаларида сал-моқли келишувлар тўплами қабул қилинди. Ўшбу ҳужжатларни алмашш маросими бўлиб ўтди.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач “Кантэй” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий ташри-фи шарафига Япония Бош вазири Санаэ Такаичи номидан қабул маро-симни ташкил этилди.

Тадбирда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, ишбилар-мон доиралари ва жамоатчилик ва-киллари ҳам иштирок этди.

Мамлакатимиз етакчиси ва Япония ҳукумати раҳбари бўлиб ўтган музо-каралар натижаларидан, уларнинг яку-нида икки томонлама алоқалар кен-гайтирилган стратегик шериклик да-ражасига кўтарилганидан мамнуният билдирдилар.

Ўзбекистон — Япония муносаба-тларини бундан буён ҳам мустақам-лашга интилиш қатъий экани таъкид-ланди.

Япониядаги тадбирлар якунлангач, Ўзбекистон Президенти Санкт-Пете-рбургда бўлиб ўтадиган Евроосиё икти-содий иттифоқининг бўлажақ йиғили-ши ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўст-лигига аъзо давлат етакчиларининг норасмий саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Россияга жўнаб кетди.

Ў.А.

ЕВРООСИЁ МАКОНИДА АМАЛИЙ МУЛОҚОТ ВЕКТОРИ

21-22 декабрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)нинг саммитида ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлат раҳбарларининг норасмий учрашувига қатнашади.

Ҳамкорлик

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тадбир-лардаги иштироки Ўзбекистоннинг иқтисо-дий ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, коопе-рация алоқаларини кенгайтириш ва Евроосиё маконидида ўзаро барқарор ҳамкорлик ме-ханизмларини шакллантиришга қаратилган стратегик йўлининг мантиқий давоми сифа-тида баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда иқтисодий дипломатия Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг асосий воситаларидан бирига айланди. Шу нуктаи назардан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан алоқалар алоҳида аҳамият касб этади.

ЕОИИ 2001 — 2014 йилларда фаолият юритган ва ягона иқтисодий маконини яратиш учун институционал асос бўлиб хизмат қилган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти

тажрибаси асосида шаклланди. Мазкур ин-теграция моделининг муҳим хусусияти шун-даки, ЕОИИга аъзо давлатларнинг аксария-ти бир вақтнинг ўзида МДҲ таркибига ҳам киради. Бу эса иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини ва минтақавий коопе-рациянинг давоимийлигини таъминлайди.

Ўзбекистон 2019 йилда саноатни модер-низация қилиш, экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш ва минтақавий қўйилган қиймат занжирларига интегр-ациялашув вазифаларидан келиб чиқиб, ЕОИИ билан кенгайтирилган ҳамкорлиқни ўрганишга киришди. 2020 йилда кузатувчи маконининг олинини ва кейинчалик идора-лараро мувофиқлаштиришдан тортиб Евро-осиё иқтисодий комиссияси билан доимий алоқаларгача бўлган институционал ме-ханизмларнинг йўлга қўйилиши мазкур муло-қотни амалий даражага олиб чиқиш имко-нини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги аниқ йўналишларни қамраб олди. Мамлакатимиз логистикани содда-лаштириш, транспорт коридорларини рақам-лаштириш, электрон тижорат ва агрологи-стик маршрутларни ривожлантиришга қаратилган тармоқ ҳамда инфратузилма лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда.

Евроосиё маконидидаги яна бир муҳим ҳам-корлик платформаси — Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлиги. У иқтисодий, гуманитар ва институционал ҳамкорлиқнинг кенг кўламли формати бўлиб қолмоқда. Ўзбе-кистон ушбу ташкилот доирасида изчил ра-вишда прагматик ва сиёсийлашмаган кун тартибини илгари суриб келмоқда.

Санкт-Петербургдаги мазкур бўлажақ саммит норасмий ва ишончли муҳитда фикр алмашиш, ёндашувларни мувофиқлаштириш ва биргаликдаги ишлар якунларини сарҳи-соб қилиш учун қулай имконият яратади.

2017 йилдан буён Ўзбекистон МДҲ фао-лиятидаги иштирокни сезиларли даража-да фаоллаштириб, асосий эътиборни иқти-содий йўналишга қаратди.

Мамлакатимиз умумий бозорларни шакл-лантириш, саноат кооперацияси, транспорт

боғлиқлиги ва инвести-циявий ҳамкорлиқни ри-вожлантириш билан шу-ғулланувчи қўллаб тармоқ органларига қўшилди. Ўзбекистон томонининг ташаббуслари узоқ му-датли иқтисодий самара-га йўналтирилган концеп-туал ҳужжатлар ва амалий қарорларда ўз аксини топди. Ўзбекистонда МДҲнинг йирик тадбирла-ри, жумладан, низоом органлари мажлислари, иқтисодий ва эксперт фо-румларининг ўтказилиши мамлакатимизнинг интеграция кун тартиби-ни ишлаб чикувчи марказлардан бири си-фатидаги роли ошаётганидан далолат бе-ради.

Ўзбекистон Президентининг Санкт-Пе-тербургдаги тадбирларда иштирок этиши улкан стратегик аҳамиятга эга. Ўзбеки-стон минтақавий бирлашмаларда қатна-шишнинг прагматизм, иқтисодий мақсад-га мувофиқлик ва аниқ натижага йўналти-

<

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА УНУТИЛМАС ВОҚЕЛИК



Давлатимиз раҳбарининг “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этиш учун ушбу мамлакатга расмий ташрифи доирасида Япония Императори Нарухито, Бош вазир Санаэ Такаичи, ишбилармонлар, парламентлар аъзолари, ишбилармонлар ва бошқа расмий доира вакиллари билан самимий руҳда ўтган учрашувлар Ўзбекистон — Япония ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида янги даврни бошлаб берди. Бунинг нафақат маҳаллий, балки дунё матбуоти ҳам юқори баҳоламоқда.

Тарихдан маълумки, бу икки давлат азалдан бир-бири билан яқин муносабатда бўлиб келаётди. Ўзбек ҳамда япон халқларининг ўхшаш қадриятлари, урф-одатлари дўстлик ришталарини мустаҳкамламоқда. Давлатимиз раҳбари саммитдаги чиқишида таъкидлаб ўтганидек, бизнинг Япония билан яқин савдо ва маданий алоқаларимиз Буюк Ипак йўли давридан ривожлана бошлаган.

Юртбошимиз қайси давлатга бормасин, аввало, ўша мамлакат билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, ташриф дастури қанчалик тигиз бўлмасин, албатта, унинг расмий доиралари, ишбилармонлари, йирик компаниялари вакиллари билан учрашиб, турли соҳаларда манфаатли келишувларга эришишга ҳаракат қилади. Японияга икки кунлик расмий ташрифида амалга оширган ишлари, эришилган натижалар фикримизга яққол мисолдир. Шу боис мазкур тарихий ташриф яқунланиб бораётган 2025 йилнинг зарварағига унутилмас воқелик сифатида муҳрланди, десак, айни ҳақиқат.

Бу алоқалар Президентимизнинг ташаббуси билан сўнгги йилларда мутлақо янги босқичга чиқиб бормоқда. Мамлакатлар ўртасидаги таълим ва кадрлар тайёрлаш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувлар бунга мисол. Мазкур йўналишлардаги ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб борапти. Бугунги кунга қадар уч мингга яқин ўзбекистонлик талабалар Японияда таълим олаётгани, 440 нафардан зиёд давлат хизматчилари эса stipendия дастури асосида ўқитилгани, ўз навбатида, юртимиздаги етти та университетда япон тили ўқитилаётгани ва бошқа соҳалардаги алоқалар фикримизни яққол тасдиқлайди.

Юқорида Ўзбекистон — Япония ўртасида азалдан ҳамкорлик мавжуд деганимиз бежиз эмас. Навоий қон-металлургия комбинати ва “Komatsu” ҳамда “Hitachi” компаниялари ўртасидаги кўп йиллик ҳамкорлик бунга исбот бўла олади. Дунёга машҳур бу компаниялар бизга энг сўнгги русумдаги тоғ-қон сонао-

ти техникаларини етказиб бermoқда. Мазкур компанияларнинг 90 тоннадан 254 тоннагача юк кўтариш қувватига эга “Komatsu”, “Hitachi EH4000AC” русумли автогадгаргичлари ҳамда йўл-қурилиш техникаларидан тоғ жинсларини қазиб, юклаш ва ташинида фойдаланиб келяпти. Ушбу лидер компаниялар билан келгусида ҳам ўзаро шериклигимиз давом этади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Япония иктисодиёт, савдо ва саноат вазир Рёсэй Аказава, “Sojitz”, “Sumitomo”, “Toyota”, “Hitachi”, “Mitsui” ва бошқа ўнлаб етакчи компаниялар, корпорациялар, ассоциациялар, молия институтлари, банклари, сайёҳлик агентликлари вакиллари билан учрашуви Ўзбекистонимиз учун янги саҳифа очди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Япония компаниялари яқин йилларгача, асосан, пудрат лойиҳаларида иштирок этган бўлса, бугунги кунда Ўзбекистон иктисодиётига фаол инвестиция киритиб, қўшма

корхоналар қурмоқда, бошқа йўналишларда кўп қиррали ҳамкорликни кучайтирмоқда. Бу, шубҳасиз, юртимизда хорижий компаниялар учун яратилаётган шарт-шароитлар, қулай инвестициявий муҳит ва ишончдан далолат.

Президентимиз “JOGMEC” ва “ITOCHU” ташкилотлари раҳбарлари Ичиро Такаҳара ва Джун Иномата билан бўлган мулоқотда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди. Унда бу компаниялар Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги уран қонларини ўзлаштиришда қатнашаётгани юқори баҳоланди. Шунингдек, мазкур компаниялар билан юртимиз ҳудудларидаги истикболли қонлардан қимматбаҳо металлarnи қазиб олиш масаласини кўриб чиқиш бўйича музокаралар олиб борилгани ва келишувларга эришилгани Ўзбекистон тоғ-қон саноати ва геология соҳасида янги қадам бўлиши табиий. “ITOCHU” корпорациясини олсак, у машинасозлик, геология ва инфратузилма соҳаларида кўп йиллик ҳамкорлик тажрибасига эга.

Жаҳонда ҳар томонлама ривожланиб бораётган мамлакатларнинг бири сифатида тан олинган ушбу Кўнчқар давлат билан азалий дўстлик алоқалари янги даражага кўтарилгани ҳар икки томон учун келгусида ижобий мазмун касб этиши, шубҳасиз.

Кувондик САНАҚУЛОВ,
«НМКМ» АЖ бош директори,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Япония — Ўзбекистоннинг Осиёдаги энг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорларидан бири. Ўзбек ва япон халқларини меъналик дўстлик, урф-одатлар ва оилавий қадриятлар ўхшашлиги боғлаб туради. Бу жиҳатлар халқларимизнинг бир-бирини яхшироқ англашиш ва яқинлашишига замин яратмоқда.

Расмий Токио расмий Тошкентни географик жойлашуви ва иктисодий салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкор сифатида кўради. Буюк Ипак йўли давридан бошлаб шаклланган савдо ва маданий алоқалар бугунги кунда стратегик шериклик, иктисодий ҳамкорлик ва чуқур инсоний ришталар билан бўйиб бормоқда.

Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги мазмун касб этиб, Япония компаниялари илгари, асосан, пудрат лойиҳаларида қатнашган бўлса, бугунги кунда мамлакат иктисодиётига фаол инвестиция киритган ҳолда қўшма корхоналар яратмоқда, бошқарув, технологиялар трансферти ва миллий кадрларни тайёрлашга ўз хиссасини қўшапти. Савдо-иктисодий кўрсаткичларда ҳам ижобий суръат кўзатишмоқда.

Икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигида парламентлараро муносабатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда икки то-

монлама парламентлараро алоқалар суръати сезиларли равишда фаоллашди. Дўстлик гуруҳлари фаолияти жонланиб, қонун ижодкорлиги, парламент назорати йўналишларида тажриба алмашилди. Хусусан, жорий йил апрель ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясида Япония парламенти Вакиллар палатаси аъзолари фаол иштирок этган бўлса, май ойида Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигидаги делегация Токиода навбатдаги парламентлараро форумда қатнашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Япония Бош вазир Санаэ Такаичининг тақлифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташрифи Ўзбекистон — Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим воқеа бўлиб, икки томонлама муносабатларда туб бўлиши асади.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбарининг Япония парламентининг Вакиллар палатаси

Спикери билан учрашуви ўзаро муносабатларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди ва бу икки томонлама ҳамкорликни барқарор ва узоқ муддатли ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Президентимизнинг Японияга расмий ташрифининг ишбилармонлик дастурига мувофиқ, ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари, молия институтлари ва бизнес уюшмалари раҳбарлари билан учрашуви эса Ўзбекистон — Япония бизнес ва инвестиция муносабатларида “янги фаза” бошланганини кўрсатмоқда. Бундай учрашувлар иктисодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Чунки Япония юқори технологиялар, инновация, саноатни модернизация қилиш ва сифатли бошқарув тажрибаси билан дунёда етакчи давлатлардан бири бўлиб, япон компаниялари билан тўғридан-тўғри мулоқот Ўзбекистон иктисодиётига илгор технологиялар ва замонавий ишлаб чиқариш стандартларини жалб этиш имконини кенгайтириб, ўз навбатида, бу ҳусусий сектор ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш, қўшма корхоналар очиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувват-

лаш учун янги имкониятлар яратиш, иш ўринлари ва экспорт салоҳиятини ўсишига хизмат қилади.

Албатта, мазкур учрашувлар йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, инфратузилма, энергетика, транспорт, саноат ва ижтимоий соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш нуктаи назаридан жуда муҳим бўлиб, Ўзбекистоннинг очик, ишончли ва инвестициялар учун жозибадор давлат сифатидаги халқаро имижини мустаҳкамлайди.

Президентимизнинг Япония ишбилармонларини саноатлашуви тезлаштириш, илгор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон иктисодиётини модернизация қилиш жараёнида фаол иштирок этишга тақлифи муҳим аҳамиятга эга. Бу саноатлашуви тезлаштириш, рақамли технологиялар, робототехника, машинасозлик, “яшил” энергетика ва кимё саноати каби соҳаларга замонавий ечимларни йўналтиришга хизмат қилади.



Япония билан иктисодий ҳамкорликни кучайтириш инвестиция муҳитини яхшилаш баробарида, мамлакатимизга бўлган ишончини ошириб, бошқа ривожланган давлатлар учун ҳам ижобий сигнал вазифасини ўтайди. Шу нуктаи назардан айтганда, бу тақлифни Ўзбекистонни юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган, рақобатбардор ва инновацион иктисодиётга айлантириш йўлида муҳим қадам дейиш мумкин.

Наргиз САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ФАОЛ, ДАДИЛ ВА ПРАГМАТИК ДИПЛОМАТИЯНИНГ ЯНА БИР ЯҚҚОЛ ИФОДАСИ

18 — 20 декабрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи ҳамда “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг олий даражадаги саммитида иштирок этиши Ўзбекистоннинг минтақавий жараёнлардаги ортиб бораётган роли ҳамда етакчи халқаро шериклар билан кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тамойилига содиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

Дунё нигоҳи


Экспертлар ва халқаро таҳлилий ҳамжамият вакиллари ушбу тадбирлар яқунларини баҳолар экан, улар “Марказий Осиё + Япония” мулоқотини ўзаро институционал ривожлантиришга муҳим ҳисса қўлганини, шунингдек, минтақа мамлакатларининг Япония билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда барқарор ва манфаатли мулоқот ўрнатишга интилишини намойиш этганини таъкидламоқда.

Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ, Анкара инкирозлар ва сиёсат тадқиқотлари маркази раҳбари:

— Бъёзан биргина хорижий ташриф мамлакатнинг ташқи сиёсати ҳақида ўнлаб дастурий ҳужжатлар ва баландрароз декларациялардан кўра кўпроқ маълумот беради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи айнан шундай воқеа бўлди. Бу расмий Тошкентнинг воқеалар ортидан эргашини эмас, балки бир қадам олдинда юришни афзал кўриб, фаол, дадил ҳамда прагматик дипломатияни танаъбатдан ифодасидир. Бу уфқларни кенгайтириш, халқаро мавқени мустаҳкамлаш ва Ўзбекистоннинг глобал кўн тартибидида ўз ўрнини ишончи намён этиш йўлидир.

Токио дастурининг мазмунини бойлиги ташрифининг илк соатлариданок кўзга аққол ташланди. Япония Императори, парламентнинг ҳар икки палатаси раҳбарияти билан учрашувлар, юзта компания иштирокидаги кенг кўламли бизнес-форум, бешта етакчи корпорация билан алоҳида музокаралар ҳамда Иктисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги билан ўтказилган батафсил мулоқот шулар ҳулмасидан.

Ташриф жараёнини кузатар эканман, сиёсат, иктисодиёт ва институтларнинг бир-бирини ўзаро кучайтирувчи нозик уйғунлигига ғувоҳ бўлдим. 20 декабрь кунин ушбу мантиқ “Марказий Осиё +



Япония” саммитида, икки томонлама музокараларда ва Япония Бош вазирин билан ўтказилган расмий учрашувда ўз аксини топди. Буларнинг барчаси шунки кўрсатадики: Ўзбекистон бугун халқаро кўн тартибидида шунчаки иштирок этмапти — у тобора ишон билан унинг қоидалари ва параметрларини шакллантиришда қатнашмоқда.

Кенгрок маънода, ушбу ташриф Ўзбекистоннинг янги тарихидаги энг сермазмун ва фаол ташқи сиёсий даврлардан бири саналган 2025 йилга тўлақонли мутаносиб бўлди. Шавкат Мирзиёев сиёсати янги имкониятларни очувчи аниқ йўналишларга асосан қурилмоқда: халқаро алоқалар географияси муттасил ўсиб бормоқда, уларнинг мазмунини эса чуқур ва амалий тус олаётир. Шу фонда Марказий Осиё аста-секин “чекка ҳудуд” бўлишдан тўхтаб, транспорт, энергетика ва инвестициялар соҳасида нуфузи ортаётган Евроосиёнинг мустақил бўлишига айланиб бормоқда. Айнан Ўзбекистон бугунги кунда минтақани янги энергия ва маъно билан тўлдирган ҳолда ушбу жараёнга жадал суръат берапти.

Ўзбекистон инфратузилмасини модернизация қилишга йўналтирилган Япония инвестициялари ҳамкорликнинг мустаҳкам иктисодий асосини ташкил этади. Бу шунчаки тарқок лойиҳалар ёки бир марталиқ қадамлар эмас, балки узоқ йилларга мўлжалланган тизимли ишдир.

Япония ҳам Марказий Осиёга тенг ҳуқуқлилик ва суверен манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган ҳамкорлик моделини тақлиф этмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги Япония ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаши, ижтимоий соҳадан тортиб хавфсизлик, энергетика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга ч бўлган қўшма лойиҳалар икки томонлама муносабатларнинг юқори ишонч ва етуқлик даражасини кўрсатади.

Андрей ГРОЗИН, МДХ давлатлари институти Ўрта Осиё ва Қозғистон бўлими мудирин, Шарқшунослик институти катта илмий ходими: — Ушбу воқеалар Ўзбекистон ва Япония муносабатларида ўзига хос рамзий аҳамиятга эга. Фик-

логик стандартларни жорий этишга қўмаклашиши мумкин. Бу маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини оширади ва нафақат Япония, балки бошқа жаҳон бозорларига ҳам йўл очади.

Ўзбекистон мулоқот доирасида фаол ва конструктив позицияни эгаллаб, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, чегаралар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, иқлим ҳамда экологик муаммоларга қарши курашни фаоллаштириш, савдо, инвестиция, транспорт ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни давом эттириш тарафдори бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатдаги салмоқли ислохотлари нафақат мамлакат тараққиётини, барқарорлигини ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш билан боғлиқ, балки бутун минтақавий ҳамкорлик архитектураси ва ривожланиш йўналишларига тобора чуқур таъсир кўрсатмоқда. Кучайиб бораётган геосиёсий “турбулентлик” ва халқаро тартибнинг трансформациясини шартлида Ўзбекистоннинг стратегик танлови ва ташқи сиёсий йўналишлари нафақат миллий, балки минтақавий аҳамиятга эга.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи ва “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти саммитидаги иштироки ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун янги имониятлар очади.

Рустам БУРНАШЕВ, қозғистонлик эксперт, фалсафа фанлари номзоди, профессор:

— Япония томонини, хусусан, Император Нарухито Ўзбекистон Президентининг ташрифини Ўзбекистон — Япония дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашдаги муҳим воқеа, деб баҳолади. Ушбу баҳо Ўзбекистон томонини учун ҳам ҳосидир.

Ташрифининг муҳим таркибий қисмларидан бири — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ўзбекистонликлар билан учрашуви бўлди. Бу кўп жиҳатдан таълим, кадрлар тайёрлаш ҳамда маданий-гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг энг жадал ривожланаётган сегменти эканини кўрсатади.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти ва Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси президенти учрашувида ёш парламентарийларнинг та-

шаббуслари, жумладан, икки мамлакат ёш парламентарийлари форуми ҳамда Япония делегациясининг 2026 йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилган Глобал ёш парламентарийлар конференциясида иштирок этиши масалалари марказий мавзу бўлгани диққатга сазовор.

Ўзбекистон етакчисининг Японияга ташрифи аниқ ифодаланган прагматик характерга эга. Бунинг Япония иктисодиёт, савдо ва саноат вазир Рёсэй Аказава билан ўтказилган учрашув яқунлари ҳам тасдиқлайди. Унда савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мўқобил энергетика, декорбонизация ва ўта муҳим хомашё каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи доирасидаги марказий воқеалардан бири унинг “Марказий Осиё + Япония” саммитидаги иштироки бўлди. Маълумки, айнан Япония 2004 йилда бундай форматдаги учрашувларнинг биринчи минтақадан ташқарида қатнашчиси ва ташаббускори бўлган эди. Ўша вақтдаги Япония ташқи ишлар вазирини Ёрико Кавагути сўзлари билан айтганда, бу формат кўп томонлама ҳамкорликнинг “янги ўлчами” сифатида тақдим этилган.

Ушбу мулоқотнинг ўзига хослиги шундаки, у хилмаҳилликни ҳурмат қилиш, рақобат ва мувофиқлаштириш, шунингдек, гуманитар алмашинув тамойиллари асосида қурилган. Япония томонини Марказий Осиё давлатлари билан айнан минтақавий даражада ҳамкорлик қилиш муҳимлигини тизимли равишда таъкидлаб келди. Бу эса 2000 йиллардаги мураккаб минтақавий жараёнлар даврида Марказий Осиёда минтақавий ўзликини сақлаш ва ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Бироқ шу вақтга қадар ушбу мулоқот “вазирлар даражасида” эди. Япониядаги ҳозирги учрашув олий даражадаги биринчи тадбирдир. Бу эса Марказий Осиё мамлакатлари ва Япония ўртасидаги ҳамкорликка қўшимча суръат бағишлаши кутилмоқда.

Нихоят яна бир принципал жиҳат шундаки, “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти бошқа “С5+” форумларидан фарқли ўлароқ ишбилармон ва илмий доиралар учрашувларини, яъни “иккинчи даражали дипломатия”ни ҳам ўз ичига олади. Бу эса мулоқотни шунчаки сиёсий ва дипломатик тадбирдан Марказий Осиёда минтақавий боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган реал ҳамкорлик механизмига айлантиради.

«Дунё» АА.

«МАНГУ ҚУЁШ» ЖИЛВАСИ

Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Мангу қуёш” тарихий романини ўқиб чиқдим. Мутолаа асносида ўзимни узок ўтмишга тушиб қолгандек сездим: Астробод, Хирот, Балх, Машҳад, Шом ва бошқа кўҳна кентлар, уларнинг иқлими ва халқлари урф-одатлари ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлдим.

Мутолаа

Асарда Алишер Навоий, Хондамир, Камолитдин Бехзод ва бошқа буюк шахсларнинг образлари шу қадар ҳаққоний яратилганки, уларнинг ўзаро ижодий ва илмий суҳбатлари орқали шеърят, одамийлик дунёси-га ғарқ бўласиз. Шу билан бирга, адиб ўз маҳорати билан она тилимизнинг жозибасини, сўзларимиз ла-тофатини ҳам кўрсата олган.

“...Бирдан табиат жунбушга кел-ди, момақалдироқ овози оламни тутди, ҳар ёқдан қарс-қурс, ола-тир гулдирак садолари эшитилди. Энага илғиди: улкан бир яшин ми-норалар устидан учиб ўтиб, ерга яраклаб ёлқин ташлади! Чақмоқ бўқилмас қиличини ерга урганида борлиқ ёришиб кетди!


“...Инга-а-а!” овози чақмоқлар шовқинини босиб кетди. “Ўғил, бекам, Ўғи-и-и-и! Худойим ўғил ато қилди-и-и!” қувончи ичига сиймай қичқирди Мунажжима момо. Она-изор Гулбеғим чақалоққа бир қарашга ўзида куч топа олди. Ча-қалоқ, йўқ, онанинг ёнида фалак-дан тушган фаришта ётарди. У фа-ришта Алишер эди...” деб ёзади ёзувчи. Адиб буюк инсон Алишер Навоийнинг дунёга келиш тарихи-ни худди ўзи ўша даврда ҳозир бўлгандек, чақмоқ ва ёмғир таги-да қолгандек, чақалоқнинг “Инга-а-а!”сини ўз қўлига билан эшитгандай тасвирлаб беради.

Романда образларнинг ўзаро

суҳбатлари, мунозаралари ва баҳс-лари ҳам шунчаки баён этилма-ган. Уларнинг замирида фалсафий фикрлар, қарашлар жамулжамки, ўқувчи лол қолади.

Асарда “Ишқ не-не замонлар ўзи учун покиза ер қидириб, ах-тариб юриб-юриб, ниҳоят Алишер-нинг кўнглидан ўзига муносиб жой топи ва ниш уришга эришди”, деб ёзилади. Нақадар гўзал ўхшатиш! Алишернинг ишқ достони қачондан бошланган, қандай юз берган, бу саволлар ҳаммани қизиқтиради, чунки аниқ тарихий манба йўқлиги сабабли илгарий асарларда бу ҳақда бирор маълумот берилма-ган. Ёзувчи бу саволларга ўзининг бадиий тахайюли, ҳаёлот олами, ижодкорлик қуввати билан жавоб берган. Яъни Алишер Навоийнинг ғазалларида, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” достонларида унинг севгилиси образларини ўрганиш асосида ишонарли тарз-да романига Бадъеулжамол бадиий образини киритади. Романда улар-нинг пок севгиси ва ички кечин-малари ўзига хос тарзда тасви-ланади, лекин Бадъеулжамолнинг бевақт вафотидан кейин улуг бо-бомиз Алишер Навоий илоҳий туйғу билан умрбод яшаб, ҳаёт-дан танҳо ўтган. Адибнинг ижодий топиламалари шу жойда ҳам яққол кўринади.

Муҳаммад Али романининг дард-ли ўринларини кўзда ёш билан ёзгани аниқ. Жумладан, мазкур сатрлар ўқувчининг кўзларини ҳам



намлантиради. “...Хиротда Ихтиё-риддин қалъасида бешафқат, оқибатсиз бадбахтлар ҳеч бир ан-дишага бормай, шунқорлар шун-қорини, Амир Темуր Кўрагоний сулоласи осмонида порлаб кўри-наётган султонлик авжи юлдузи, келажақда темурийлар салтанати-ни камолга етказувчи норасида Мўмин Мирзони қатл этдилар”. Ал-батта, муаллиф мазкур тарихий фожияларни асослантирувчи ҳуж-жатларга суяниб ёзган. Бу воқеа-ларни китобхон ҳасрат, алам би-лан ўқийди. Ўн икки ёшли, ниҳоят-да ақли ва келажаги порлоқ ёш йигитчанинг фожияли ўлими нафа-қат сарой, балки бутун Хирот ахли-ни ларзага келтирганини тас-вирлаб беришда ёзувчи бутун ма-ҳоратини ишга солган.

Устоз адибимиз мусибат кун-ларида султон Хусайн Бойқаро ва шоир Алишер Навоийнинг, икки қадрдон дўстнинг Мўмин Мирзо-нинг сағанаси бошига келиб дий-дорлашганлари сахнасини ниҳоя-тда таъсири акс эттиради. Шоҳ

шоир дўстидан нажот тилагандай ўпкаси тўлиб, дўсти бағрига оти-лади. Алишер Навоийнинг тас-кинига эътибор беринг: “Биз яратган Аллоҳнинг номи билан қасам ичганмиз, бошимизга минг турли бало тушса ҳамки, ҳануз сўзимизда қаттиқ турдик, турурмиз. Темурухон дебдуларки: “Чин дўст улдурки дўстидан ҳеч қачон ранжимайдур! Ранжиса ҳам, узрини қабул қиладур! Дўстдан ажрамоқ жароҳатдур, ҳеч қачон битмас жароҳат!...” Асрлар ошса-да, бугун ҳам инсонларга сабоқ бўладиган ўғит, теран ҳаётий фалсафа.

Султон Хусайн ва унинг ўғилла-ри ўртасидаги муносабатларни муштаҳкамлаш, ахиликни бардавом қилиш мақсадида Алишер Навоий бир умр ҳаловат билмади. Шоир-нинг шоҳ ўғилларига нисбатан ало-ҳида меҳр билан ёндашиб, худди ўзининг фарзандларидек суҳбат-лар олиб борганида китобхон гўё ўша дийдорлашувларнинг ишти-рокчисига айланиб қолгандек бўла-ди. Масалан, Мўмин Мирзо фожи-асидан кейинқ, қатта урушнинг олдини олиш мақсадида Алишер Навоий Балхга, Бадиуззамон Мирзо олдига отланади ва бечора

Ёзувчи сўзга бойлиги, қаламининг кучи, тафаккурининг кенглиги билан бизни ушбу воқеалар ичига олиб қиролгани, ишонтира олгани, шубҳасиз, унинг қатта ютуғи.

Муҳаммад Али буюк шоир Алишер Навоийни Султон Хусайн Мирзонинг ҳаяжонли овози билан қўшга тенглаштирди. Бу бежиз эмас, албатта. Мавлоно Румий айтганидек, қуёш ҳар лаҳзада жон бахш этади.

Шу маънода, тарихий романига “Мангу қуёш” номининг берилиши ҳар жиҳатдан мос тушган. Зеро, мазкур асар ҳам улуг аждодимиз хотираси ва мероси каби қуёшдек порлаб, унинг жилваси қалбларни ёритишига, нафақат ўзбек миллиятининг, балки бутун туркий халқларнинг мулкига айланиб қолишига ишонамиз.

Муҳаммадсобир СОДИҚОВ,
техника фанлари номзоди.



«Формула-1»:

ҲАМИЮРТИМИЗ МАРАФОНДА ДЕБЮТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистонлик пойгачи Исмоил Аҳмедхўжаев 2026 йилнинг 17-18 январь кунлари ўтказиладиган “24 соат Дубай” суткалик марафонда “Rossa Racing” экипажини бошқаради.



Бу ҳақда “Rossa” бренди асосчиси ва таниқли авто-спортчи Роман Русинов хабар бермоқда.

21 ёшли И. Аҳмедхўжаев учун бир кунлик марафон мусобақаларидаги дебют пойга бўлади. Турнирга “Rossa LM GT” автомобили қўйилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур спорт машинаси илк бор шу йилнинг январь ойида “24 соат Дубай” пойгасида тақдим қилинган ва дарҳол юқори тезликни кўрсатиб, керакли балларни жамғарган эди. Дебютдан сўнг модель автоспорт ҳамжамиятида қатта қизиқиш уйғотган.

Р. Русиновнинг таъкидлашича, бу нафақат И. Аҳмед-хўжаевнинг шахсий ютуғи, балки мамлакатимиз авто-спортини ривожлантириш ва уни ёшлар орасида омма-лаштириш йўлида муҳим қадам ҳисобланади.

Футбол:

ЎТКИР ЮСУПОВ «НАВБАҲОР»ГА ҚАЙТДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси дарвоза-бони Ўткир Юсупов “Фулад” (Эрон) жамоаси би-лан шартномасини бекор қилиб, фаолиятини “Навбахор”да давом эттирадиган бўлди.

Тахрибали дарвозабон ўз вақтида “Машъ-ал” (Муборак), “Насаф” (Қарши), “Нефтчи” (Фарғона), “Кўқон-1912” каби жамоаларда тўп сурган. Шунингдек, 2018 йилдан буён Ўзбекистон миллий терма жамоаси дарво-засини қўриқлаб, “Жаҳон чемпиони —

Спорт

курашлари:

ВАКИЛЛАРИМИЗ
ЖАҲОН РЕЙТИНГИ
ПЕШҚАДАМИ

Бирлашган кураш дунёси (UWW) жорий йилнинг декабрь ойи учун жаҳон рейтингини эълон қилди. Мазкур ҳақдада юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг 3 нафар аъзоси биринчи ўринда қайд этилган.



Унга кўра, яқунланаётган йилда турли мусобақаларда юқори натижалар билан қим-матли очколарни жамғарган Алишер Ғаниев 60 килограмм-гача, Айтжан Халмаханов 63 килограммгача ва Абдулло Алиев 72 килограммгача вазн тоифаларида рейтинг пешқа-дами сифатида келтирилган.

Шунингдек, 2025 йилда Осиё чемпиони, “U20” ёш тоифасидаги дунё биринчили-ги ҳамда катталар ўртасидаги жаҳон чемпиони каби йирик мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган А. Халмаханов UWW томонидан йилнинг “Энг доминант курашчиси” деб то-пилди.



2026” йўлланмасини қўлга киритишига ўзи-нинг муносиб ҳиссасини қўшган.

Олинган хабарларга кўра, сўнгги 4 ойда жа-роҳатини даволаш билан банд бўлган Ў. Юсупов янги йилдан машғулотларни бошлайди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

АВТОМОБИЛЛАРГА ЭКОЛОГИК
СТИКЕР БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Пойтахтимизда жойлашган Ички ишлар вазирлиги тизимидаги “Файзобод” транспорт воситалари диагностика текшируви марказида ҳукуматимизнинг шу йил 28 ноябрдаги қарорига мувофиқ жорий этилиши белгиланган “Экологик транспорт” тизимининг жамоатчилиқ ўртасидаги тарғиботига бағишланган тадбир ўтказилди.

Қарор ва ижро

Кейинги пайтда мамлака-тимизда атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борасида жи-дий чора-тадбирлар қўрила бошланди. Натижада пойтах-тимиз ҳавоси бироз яхши-ланган бўлса-да, ҳамон тиб-бий жиҳатдан меъёрагаидек эмас.

— Аввало, куз фасли ўта қуруқ келди, устига-устак са-ноат корхоналари ва транс-порт воситалари ташламала-ри минтақанинг экологик заиф ҳудудидида жойлашган аҳоли пунктлари, хусусан, Тошкент шаҳри иқлимини бузгати. Шу боис ҳар юз минг аҳоли ҳисобига нафас йўлла-ри билан боғлиқ хасталиклар микдори кескин ошиб кет-моқда. Ачинарлиси, бемор-ларнинг асосий қисми бо-ларандир, — дейди Давлат экологик экспертиза маркази масъул ходими Шаҳзода Акрамова. — Шу сабабли “Экологик транспорт” тизи-мини жорий этиш тўғрисида ҳукуматимиз қарори қабул қилинди.

Мазкур тизим биринчи босқичда 2025 — 2027 йил-ларда пойтахтимизда, ик-кинчи босқичда 2028 — 2030 йилларда Нукус шаҳ-ри ва вилоятлар марказла-рида ҳамда учинчи босқичда 2031 — 2034 йилларда бошқа барча ҳудудларда жорий этилиши белгиланган.

Автомобилларга экологик стикер бериш транспорт эга-сининг ваколатли органга их-тиёрий электрон мурожаати асосида тўловларсиз амалга оширилиши, транспорт воси-таларини рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш жара-ёнларида эса уларни бирин-чи марта бепул диагностика текширувлари асосида аниқ-



ланадиган экологик меъёр-ларга кўра тақдим этилиши белгиланган.

Тадбирда сўзга чиққан масъулларнинг айтишича, экологик стикерлар бериш орқали автомобиллар “яшил”, “сарик” ва “қизил” ранглар билан белгиланади-ган “тоза”, “ўрта” ва “зарар-ли” экологик тоифаларга аж-ратиб борилади. “Ўрта” ёки “зарарли” экологик стикер олган автотранспорт эгаси ихтиёрий равишда бир йил-да бир марта ортиқча тўлов-сиз экологик тоифасини “тоза” ёки “ўрта” экологик тоифага ўзгартириши, ана шу мақсадда уловини диа-гностик текширувдан ўткази-ши мумкин.

Қарорга кўра, ҳудудларда-ги экологик зоналар чегара-ларини белгилаш халқ депу-татлари маҳаллий Кенгашла-ри томонидан Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси тақлифига асосан

белгиланади. Экологик зона-лар ҳудудидида “ўрта” ва “за-рарли” экологик тоифаларга мансуб ҳамда экологик сти-кер мавжуд бўлмаган авто-мобилларнинг ҳаракатлани-ши тақиқланмоқда. Лекин белгиланган тартибда ва микдорда компенсация тўловларини амалга оширган ҳамда экологик зона ҳудуди-да доимий яшовчи ёки меҳ-нат фаолиятини амалга оши-рувчи фуқаролар келов ва тақилқарсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлишади.

— Шунини алоҳида таъкид-лаш лозимки, бу чора-тадбир-лар халқ манфаатини қўзлаб амалга оширилмоқда, — дей-ди Шаҳзода Акрамова. — Чун-ки атмосфера ҳавосининг тоза, инсон организмига сал-бий таъсир кўрсатмайдиган даражада бўлиши ҳар бири-миз учун жуда зарур.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
«Халқ сўзи».

ҲИМОЛАЙДА ЯНГИ ГЭС
ҚУРИЛМОҚДА

“CNN” хабарига кўра, Тибетнинг чекка ҳудудида дунёдаги энг улкан гидроэнергетика тизими барпо этилмоқда. Қиймати 168 млрд. долларга баҳоланаётган ушбу лойиҳа қуввати бўйича дунёда тенгсиз бўлиб, йилгига тахминан 300 млрд. киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариши башорат қилинмоқда.

Бу кўрсаткич ҳозирда дунёдаги энг йирик саналган Хитойнинг “Уч дара” тўғони қувватидан уч баравар кўпдир. Лойиҳа Ҳимолай тоғларининг сейсмик фаол ҳудудда — ер қатламлари ҳар йили бир неча милли-метрга ўсадиган нуқтада қурилмоқда.

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги лойиҳа барча халқ-аро хавфсизлик ва экологик меъёрларга жавоб бе-ришини, қўшни давлатлар билан маълумот алмашишга таянчилигини билдирди.

ЭЪТИБОРДАН
ЧЕТДА ҚОЛГАН ИНҚИРОЗ

“Thomson Reuters Foundation” ҳисоботиға таяниб оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Судандаги гуманитар фалокат 2025 йилдаги дунё эътиборидан четда қолган инқироз деб топилди.

Ҳисоботда қайд этилишича, тахминан 30 млн. судан-лик шошилиқ ёрдамга муҳтож. Экспертлар мамлакат-даги гуманитар омборлар бўшаб қолганини, ёрдам опе-рациялари тўхташ арафасидалигини ҳамда иккита йи-рик шаҳар эса аллақачон очарчилик гирдобиди экани-ни таъкидлайди.

Фондининг 22 та етакчи халқаро ташкилот ўртасида ўтказган сўровида респондентларнинг учдан бир қисми Судан моjarосини биринчи ўринга қўйган.

Иккинчи ўринда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг қонли тўқнашув ўчоғи ҳисобланган Конго Демокра-тик Республикаси қайд этилган. Шунингдек, Мьянма, Афғонистон, Сомали ва Сахел минтақаси ҳам бу рўйхат-га киритилди.

АРКТИКАДА РЕКОРД
ДАРАЖАДАГИ ИССИҚЛИК

АҚШ Миллий океан ва атмосфера бошқармаси маълумотиға таяниб, “The Guardian”да хабар беришларича, Арктикада бир йил давомида рекорд даражадаги иссиқлик кузатилди.

Яъни 2024 йил октябрдан 2025 йил сентябргача бўлган даврда Арктиканинг барча ҳудудда ҳарорат сўнгги 125 йил ичидаги энг юқори даражага етган. Шу билан бирга, Арктикада охириги 10 йил тарихдаги энг иссиқ йиллар бўлди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, қазилма ёқилғиларнинг ёқилиши туфайли Арктика глобал ўртача кўрсаткичдан тўрт баравар тез исиб бораётир. Бу эса бутун сайёра иқлимини тартибга солишда муҳим роль ўйнайдиган ва Ер “музлаткичи” ҳисобланган Арктиканинг табиий муво-занатини бузмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАДАЛ
ЎСМОҚДА

Марказий Осиё минтақасига киритилган инвестиция ҳажми 2025 йилнинг биринчи ярмида 1,3 млрд. долларга етди. Евроосиё тараққиёт банки томонидан ўтказилган шарҳда маълум қилинишича, бу 2023 йилдаги нисбатан 42 фоиз ва 2016 йилги даражадан деярли уч баравар кўп.

Хўжжатда айтилишича, барча минтақалараро ин-вестицияларнинг саксон фоизи қурилиш, ишлаб чиқа-риш ва молия секторига тўғри келади. Бу минтақа-нинг товарга асосланган моделдан янада диверсифи-кацияланган инвестиция тузилмасига босқичма-бос-қич ўтишини акс эттиради.

МДХ доирасида тўпланган ўзаро инвестициялар 41,6 млрд. долларга етди. Инвестиция оқимлари тобора кўпроқ Марказий Осиё мамлакатларига, биринчи навбатда, Ўзбекистон ва Қозоғистонга йўналтирилмоқда.

— 48 млрд. доллардан ортиқ ўзаро тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларнинг тўпланган рекорд да-ражадаги кўрсаткичдир. Марказий Осиёдаги ўзаро инвестициялар, айниқса, тез сурьатлар билан ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йил ичида минтақада ўзаро инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш сурьати 24,4 фоизни ташкил этди, бу бутун Евроосиё минта-қасига нисбатан бир неча баравар юқори, — деди Евроосиё тараққиёт банки бош иқтисодчиси Евгений Винокуров.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТҲАҲАНОВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

2026/2027 ўқув йилидан Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таълим йўналиши шаклида Давлат аудити олий мактаби ташкил этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳас — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6